

Ҳаёт қандай бўлса унга ана шундай юзлангин!



11:05 / 19.08.2020 1971

Дунёнинг ҳолати лаззатларга тўлган, қийинчиликлари кўп, маюс қиёфали, бўлиб, сен унда машаққат узра яшайсан. Ота ёки хотин ёки дўст ёки аслзодалик ёки маскан ёки вазифанг бўлса ҳам албатта, у билан бирга дилни хира қилиб гоҳида ёмонлик етказувчи нарса ҳам бўлиб туради. Шундай экан сен ундаги қайноқ ёмонликни совуқ яхшилик билан ўчиргин, шунда бошдан-оёқ нажот топасан. Билгингки, жароҳатларга ҳам қасос бор. Аллоҳ ушбу дунёга икки зиддият, икки турлилик, икки тоифалик, икки фикрлилик, яхши – ёмон, ислоҳ – фасод, хурсандлик – хафалик жам бўлишини ирода қилиб хоҳлади. Кейин яхшиликларни барчаси, ислоҳлик, хурсандликни жаннатга танлади. Лекин ёмонликларни барчаси, фасод ва хафаликни дўзахда тўплади.

Ҳадису шарифда: «Дунё ва ундаги нарса лаънатлангандир фақатгина Аллоҳнинг зикри ва уни ўрнидаги нарса, олим ва таълим олувчилар ундай эмас», деб айтилган. Сен воқеъликда яшагин, ҳаёл отига миниб олма, идеал ҳаётни ўзингда яратиб қил. Дунё қандай бўлса ўшандай юзлан! Унда яшаш учун ва ватан тутиш учун нафсингни бўйсунтир. Дўстинг ҳам сенга нисбатан вафодор бўлавермайди. Иш доим ҳам мукамал бўлавермайди. Чунки мусаффолик, камолот, мукамаллик бу дунё шаъни ҳам сифати ҳам эмасдир. Хотининг ҳам тўла маънода сени ўша мукамаллик сари

элтмайди.

Ҳадисда: «Мўъмин мўъмина хотинни жеркимайди. Агар аёлидаги бирор хулқини ёмон кўрса эҳтимол бошқа хулқини яхши кўриб қолади», дейилган. Шундоқ экан жипслашиб, яқинлашиб, кечиримли ва авфли бўлиб, осон бўлганини олиб қийин бўлганини тарк қилиб, гоҳида кўзни юмиб, қадамни тўғри йўлга йўналтириб аҳён-аҳёнда баъзи ишларга бепарво бўлишга тўғри келади.

Балоланганлардан ибрат ол!

Ўннга ва чапга қарагинчи фақат балоланган ва жабрланганларни кўрасан. Ҳар ҳовлида йиғловчилар ва ҳар юзда кўз ёши бўлади. Қанчадан-қанча мусибатланганлар ва қанчадан-қанча сабр қилувчилар ҳам бор. Фақат сен ўзинг мусибатланган киши эмассан. Балки бошқаларга нисбатан сени мусибатга дучор бўлишинг оздир. Қанчадан-қанча касаллар борки, улар йиғлаб каравотга михланиб қолган. Ўнг ёки чап томонига ағдарила олади холос. Оғриқдан инграйди, касалликдан овозини борича бақиради. Қанчадан-қанча маҳбузлар бор, йиллар ўтган бўлсада қуёшни кўзи билан кўрмаган. Зиндонидан бошқа нарса кўрмаган. Қанчадан қанча эркагу аёллар борки, улар гуллаган, яшнаган ёшлик пайтларида жигар-гўшаларидан ажраган. Қанчадан-қанча жабрдийда, қарзга ботиб қолган, мусибатга дучор бўлган ва балоланган кишилар бор.

Демак ана шундай кишилар билан азиз бўлиб, яқиний илм билан англамоқ керакки, бу ҳаёт мўминни қамоқхонаси, хафалик ва машаққат диёридир. Қасрлар яроқсиз, ишкомлар хувиллаб қолган ҳолатдадир. Қачондир иттифоқлик жипслашган, бадан офиятда, мол-дунё тўла-тўкис бола-чақа бисёр пайтлар ҳам бўлади. Озгина кун ўтадики, камбағаллик, ўлим, фиरोқ, касаллик содир бўлади. **«Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди. Биз сизлар учун (қанчадан-қанча) мисоллар келтирган эдик».** (Иброҳим сураси, 45-оят). Сен ўзингга худди туя тош устига чўкиб ватан қилганидек ватан қилиб ол. Бу соҳада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам энг яхши эргашилувчи намунадирлар. У зотнинг бошларига учоқ чавақ ташлаб юборилди, оёқлари қонатилди, юзлари ёриб юборилди, дараларига қамал қилиб қўйилганидан дарахт барглари еб кун ўтказдилар, ўзлари туғилиб ўсган Маккадан ҳайдаб чиқарилдилар, олди тишлари синдирилди, энг маҳбуб хотинлари Оишаи сиддиқа зинода айбланди, саҳобаларидан етмиштаси қатл этилди, ўғилларидан айрилдилар, кўпгина қизлари ҳаётликларидаёқ оламдан ўтди, очликдан қоринларига тош боғлаб юрдилар. У зотни ўзларини шоир,

сеҳргар, коҳин, жинни, каззоб деб айбландилар. Аллоҳ буларни барчасидан сақлади. Булар бир бало ва синов бўлиб, ундан қутулиш чорасиздир. Бу зотдан олдин Закариё қатл этилиб Яҳё эса сўйилиб, Мусо алайҳиссалом юртларидан қувғин қилиндилар, Иброҳим Халилуллоҳ оловга ташланди, уммат мана шу тарзда давом этди. Умар розияллоҳу анҳу қонга белаб ўлдирилди. Усмон розияллоҳу анҳуга суиқасд уюштирилди. Али розияллоҳу анҳуга найза урилди. Умматни кўпгина кўзга кўринган олимлари қийноққа солиб зиндонга ташланган. «(Эй мўминлар), **сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки**». (Бақара сураси, 214-оят)

***Islom.uz* портали таҳририяти**